



Савол:

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эргашиладиган ва эргашилмайдиган феъллари-амалларини қандай биламиз?

Жавоб:

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эргашиладиган ва эргашилмайдиган феъллари

Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари давомида бажарган амаллари – феъллари беш қисмга бўлинади:

1. Инсоний хислатлари – туриш, ўтириш, юриш, бошқа ҳаракатлари каби. Бу феълларни қилишга шаръий жиҳатдан буюрилмаган ва қайтарилмаган ҳам; шунинг учун буларни шунчаки қилган одам савоб олмайди. Аммо мана шу феълларга қўшимча равишда қандайдир алоҳида сифат ҳам бўлса, уни Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам каби шу тарзда қилишга ундалади.

2. Ўша давр одатига кўра қилган ишлари – муайян кийимни кийиш, сочларини баъзида қулоқ юмшоғигача, баъзида эса елкагача ўстириб юришлари каби. Бундай амалларда Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш суннат бўлмайди. Чунки у киши бу билан шаръий мақсадни кўзламаганлар, шундай қилиш ибодат бўлишини айтмаганлар. Масалан, Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ кийим кияр, изорларининг (шим) почаси эса болдирнинг ярмигача кўтарилган бўларди. Бироқ ким бу амалларни у кишидан ўрнатқан олиш ниятида қилса, савобга эришади. Зеро, Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одатлари энг гўзал ва мукамал одатдир. Шунинг учун бу



Ислом Нури

масалада пайғамбаримиз билан бир хил амал қилган киши ниятига кўра ажр олади.

3. Умумий ҳаракатлари – бунда ўша амал воситасида Аллоҳга ибодат қилиш ёки қилмаслик мақсади аниқ эмас. Олимлар бу каби амалларда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ёки эргашмаслик борасида ихтилоф қилганлар:

- 1) Бу амалларда ҳам Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш вожиб;
- 2) Бу амалларда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш мустаҳаб;
- 3) Бу амалларда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш мубоҳ (ихтиёрий);
- 4) Аниқ ҳукм бермаслик. Айни фикрда бўлганлар “Бундай амаллар вожибликни билдирадими, тарғибними, ёки мубоҳликними – билиб бўлмайди. Балки бу Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига хос амалдир. Шундай экан, аниқ гап айтмаслик керак”, деганлар.

Лекин бу турдаги амалларда ҳам Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш мустаҳаб бўлади. “Агар бу амаллар мубоҳ бўлса, унда аниқ ҳукм айтмаслик афзал” деганларга эса шундай жавоб берилади: “Росуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умумий феълларини мубоҳ доирасига киритиш у кишининг ҳаққида камчиликка йўл қўйиш, вожибликни даъво қилиб юбориш эса ғулувга кетишдир. Тўғриси эса бу масалада ўртада туриш – бундай амалларни мустаҳаб деб қабул қилиш. Шунингдек, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умумий феълларини фақат у кишининг ўзларига хослаб қўйиш ҳам нотўғри. Чунки бунга алоҳида далил келмаган экан, “У

